



265

2013 у.р. "14" Март № 324-К Самарқанд т-р Самарқанд

Тумандаги «Кўлбаипоён» қишлоқ фуқаролар йиғини «Шўрбои-1» маҳалласида яшовчи фуқаро Одилов Бахтиёрга тегишли уй-жойни тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Кўлбаипоён» қишлоқ фуқаролар йиғини «Шўрбои-1» маҳалласида яшовчи фуқаро Одилов Бахтиёр туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2011 йил 18 октябр 1660-Қ сонли қарорига асосан унга тегишли бўлган уй жойини тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Фуқаро Одилов Бахтиёрга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати Давлат унитар корхонасининг хулосаси, оила аъзоларининг розилик хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Кўлбаипоён» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Шўрбои-1» маҳалласида яшовчи фуқаро Одилов Бахтиёрга тегишли умумий 409,83 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойнинг қурилиш тагидаги ер майдони 300,37 м.кв. дан иборат турар жойини савдо дўкони сифатида фойдаланиши учун тўлиқ нотурар жой тоифасига ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Мардонқулов)га туман давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Кўлбаипоён» қишлоқ фуқаролар йиғини (А.Умаров)ларга фуқаро Одилов Бахтиёрга тегишли уй-жойни тўлиқ нотурар жой тоифаси (савдо дўкони)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Одилов Бахтиёр зиммасига: а) савдо дўконнинг ташқи кўринишини лойиҳа асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев